4. Мусаев Н. Беташар. Р-1448, инв:186965. *(ӨзРИАҚҚБ қол жазба фонд)*.
5. Хожамбергенов Р. Халық қосықлары; Р-1468, инв:186985.
6. Мусаев Н. Бет ашар Р-1470, инв:186987. (*ӨзРИАҚҚБ қол жазба фонд*).

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада аждодларимиздан мерос бўлган миллий қадриятларимизни тиклаш, анъаналаримизни чуқур ўрганиш мақсадида, қорақалпоқ халқининг никоҳ тўй маросимида “бет очар” жанри, унинг ўтказилиш тартиби, ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассматривается жанр “бет очар” его состав, особенности свадебного обряда каракалпакского народа с целью глубокого изучения традиций восстоновления наших национальных качеств, унаследованных от предков.

SUMMARY. This article discusses the genre of “betoshar” its composition, features of the wedding ceremony of the Karakalpak people in order to deeply study the traditions of restoring our national qualities inherited from our ancestors.

“ЎТИН ТЎЙИ” УДУМИНИНГ ЛОКАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Л.Худайқулова - *филология фанлари номзоди*
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Таянч сўзлар: фольклор, тўй, анъана, маросим, тизим, тимсол, мифология, руҳ, тасаввурлар.
Ключевые слова: фольклор, свадьба, традиция, обряд, система, символ, воображение, дух, мифология.
Key words: folklore, wedding, tradition, rite, system, sumbol, imagination, spirit, mythology.

Бизга маълумки, Жанубий Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи аҳолиси ўртасида нишонланадиган хатна тўйи маросими тизимидан жой олган **“ўтин йиғар”** ёки **“ўтин тўй”** ва **“нон пиширар”** каби удумлар қадимий бўлиб, тарихий асослари мифологияга бориб тақалади. Хатна маросимининг этнографик жиҳатлари Г.П.Снесарев, В.Н.Басилов, Ҳ.Исмоилов, А.Аширов каби олимлар томонидан маълум даражада тадқиқ этилган бўлса, [5] М.Алавия, Б.Саримсоқов, С.Давлатов, Н.Қуронбоеваларнинг тадқиқотларида маросим фольклорига оид муҳим илмий кузатишлар олиб борилган [2:190-193], санъатшунос олим Р.Абдуллаевнинг изланишларида эса хатна тўйлари фольклори ўрганилган [1: 180-184.] ҳамда Б.Ҳамроқулова [7:107-117.] ва Н.Н.Турсуновларнинг [6:22-23.] диссертацион ишларида воҳа аҳолисининг этник табиатига доир қарашлари илмий таҳлил қилинган.

Хатна тўйи билан боғлиқ удумлар локал хусусиятларга эга бўлиб, таом пишириш учун зарур бўладиган ўтинларни тайёрлаш, ғўлаларни арралаш ва тахлаб қўйиш жараёни Андижон вилоятида **“ўтин оши”** деб аталади.

Умумўзбек хатна тўйи маросими фольклорининг анъанавий узвларидан бири сифатида оммалашган мазкур удумнинг ўзига хос талқини Бойсун тумани қишлоқларида ҳанузгача сақланиб келмоқда. Санъатшунос олим Р.Абдуллаев томонидан тўпланган этнофольклористик маълумотларга қараганда, Бойсун туманининг Сариосиё, Гуматак, Қўрғонча, Авлод, Работ, Тўда, Айлангари, Пасурхи ва Газа қишлоқларида хатна тўйи маросимидан аввал “ўтин тўй” қилинади. Тўй оши берилишидан икки кун аввал ўтказиладиган мазкур удумнинг моҳияти тўй учун зарур бўлган ўтинни тоғдан олиб келишдан иборатдир. Ўша куни қишлоқ оқсоқолининг ташаббуси билан ёш йигит-яланглар қуриган арча дарахтининг шох-шаббаларидан ўтин йиғиш учун тоққа чиқиб кетадилар. Воҳада тўй куни қишлоқ оқсоқолининг ташаббуси билан ёш йигит-яланглар қуриган арча дарахтининг шох-шаббаларидан ўтин йиғиш учун тоққа чиқиб кетадилар. Тоғ, тепалик бу қадимда маросимлар ўтказиладиган муқаддас жой ҳисобланган [3:56]. Тўй бўладиган хонадонда ўтин йиғувчилар учун махсус зиёфат тайёрланади. Йигитлар тоққа чиқиб ўтин йиғадилар ва йиғилган ўтинни эшакларга ортиб қишлоққа қайтишдан аввал арчаларнинг пўстлоғини шилиб оладилар. Ана шу арча пўстлоғи бойсунликлар лаҳжасида “қавзо” деб юритилади. Йигитлар орасидан бир чаққон, ўйинга уста, шўхроғи ана шу пўстлоқларни кўкрагига, белига, икки қўлларига боғлаб, юзи ва бошига пўстлоқдан ниқоб тайёрлаб кийиб олади. Ниқоб кийган йигит ўтинчиларнинг олдига тушиб ўзига хос ҳаракатлар билан рақс тушганча, тўйхонага кириб келади. Тўйхонада тўпланган одамлар уларни қийқириқ, кулги ва шодиёна билан қарши оладилар. Ниқоб кийган йигит давра ўртасига тушиб, доира жўрлигида рақс тушади. Тўй эгаси йигитларга турли-туман совғалар ҳадя этади. Бу ўйин “**қавзоқ**” (баъзи қишлоқларда “**қавзо**” деб ҳам аталади) деб аталувчи анъанавий ўйин бўлиб [1;182], ўғил тўйида бу ўйиннинг ўйналиши тўйболага бахт, соғлик бахш этади деб қаралади.

Мазкур анъанавий ўйин номи сифатида қўлланилувчи “**қавзоқ**” атамаси “бирор нарсанинг пўстлоғини олмоқ” маъносидаги *қавзамоқ* феълидан ясалган. Хусусан, тилимизда шоли оқлашни ҳам баъзан *шоли қавзамоқ* деб юритадилар. Чақалоқ бешигига солинадиган махсус тўшак, яъни ичига шоли пўстлоғи солиб қавилган кўрпачанинг *қавзоқ* деб аталиши ҳам шундан.

Назаримизда, “**қавзоқ**” ўйинининг тарихий илдизлари аждодларимизнинг дарахт культи билан боғлиқ қадимги мифологик тасаввурларига алоқадор рамзий удумларга бориб тақалади. Ўтмишда яшаган одамлар табиатдаги ҳар бир нарса-ҳодисанинг ўз “эгаси” бўлади деб ўйлаганлиги боис, ўрмондаги дов-дарахтлар руҳини ҳам ғайриоддий мифологик жонзот тарзида тасаввур қилган. Одамлар ўрмонга ўтинга борганларида “ўрмон руҳи” зиён етказмасин деб махсус қурбонлик маросими ўтказишган ва ўтин олиш учун бу хаёлий-мифологик персонаждан рухсат сўрашган. Ана шундай қадимги маросимларда ўтинчилардан бири “ўрмон руҳи” қиёфасига кириб рамзий ҳаракатлардан иборат маросим рақсини ижро этган. Бу маросим унутилиб кетгач, унинг асосий моҳияти анъанавий ўйин сифатида тўй маросими таркибида яшашда давом этаверган. Ўйлашимизча, “қавзоқ” ўйинида ҳамма ёғига арча пўстлоғини боғлаб олганча, ниқоб кийиб ўйнайдиган йигит – аслида ана шу қадимий “ўрмон руҳи”нинг мифологик тимсолидир.

Яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, “қавзоқ” ўйинида ўйинчи йигит кийган пўстлоқ-либос ва ниқоблар хатна тўйи куни тўй оши қозонининг ўчоғида ёқилишидир. Бу ҳаракат ҳам рамзий маънога эга бўлиб, “ўрмон руҳи” қиёфасида намоён бўлади деб тасаввур қилинадиган ёвуз кучлар таъсиридан покланишнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Биламизки, воҳада болани хатна қилиш амали “**гула қилиш**” ҳам дейилади. Олтинсой туманида хатна бўла-ётган боланинг уйи ташқарисида деворга зар матодан тикилган кичкина тўн, ойна ва нон осиб қўйилади. Қумқўрғон туманида бола хатна қилинадиган хонанинг деворига гилам осиб, унинг устига иккитадан тўртта нон, болага атаб тикилган чопонча ҳамда ойна илиб қўядилар. “Гула қилиш”да ойна деталидан фойдаланиш боланинг ҳаёт йўли “ойнадай ёруғ бўлсин” деган халқ қараши билан боғлиқдир [7:110]. Бу ўринда нон – тўй-болага ризқ-рўз тилаш ғояси билан боғлиқдир, ойна хатна амали бажариладиган хонани зиён-заҳматлардан поклашнинг рамзий усулларидан бири сифатида ҳам қўлланилади. Чунки халқ қарашларига кўра, ойнада ҳамма нарсанинг акси намоён бўлганлиги сабабли тўй-

болага зиён етказиши мумкин бўлган ёвуз кучлар ҳам ойнада ўз шаклу шамойилини кўришдан чўчиб, бу хонани тарк этадилар деб қаралади.

Бизнинг назаримизда, **“гула қилиш”** атамаси таркибидаги **“гула”** лексемаси ўзбек хатна тўйи маросими фольклорида қайд қилинган **“кулала”** айтими билан бевосита алоқадор бўлиши керак. Хусусан, Андижон вилоятида сақланган анъанага кўра, тўйбола хатна қилинаётган пайтда уни ўраб олган яқин қариндошлар, кўпинча йигит-яланглар болага далда бериш мақсадида “кулала!” деб қичқириб турадилар. А.Жўрабоевнинг диссертациясида такидлаб ўтилганидек, Болага мадад бериш ва унинг эътиборини чалғитиб, йиғидан тўхтатиш мақсадида айтиладиган бу айтимнинг **“хулала”** варианти ҳам қўлланилади. **“Гула”** сўзи ҳам ана шу **“кулала”** лексемасининг қисқартма шаклидир. Қўқон шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда бола хатна қилинаётганда даврада иштирок этаётган кишилар “***Чули-чули ҳасса!***” – деб қичқиришар экан. Уста эса: “***Мана, чули-чули ҳассаси бўлди. Энди саргардонини беринглар!***” – дейди. Шунда яқин қариндошлар, қўни-қўшнилар тўйболага пул ва совға берадилар.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, хатна тўйи маросими тизимидан жой олган **“ўтин йиғар”** ёки **“ўтин тўй”** ва **“нон пиширар”** каби удумларнинг қадимийлиги, тарихий асослари мифологияга бориб тақалиши ҳамда тўйдаги “қавзоқ” ўйини ва “гула қилиш” амали жараёнида айтиладиган айтим ва қўшиқларнинг бизгача етиб келмаган вербал қисмини постфольклор кўринишида бўлса-да, уларни топиш, ёзиб олиш, тиклаш ва уларни илмий ўрганиш келгусидаги долзарб вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Абдуллаев Р. Обряд и музыка в контексте культуры Узбекистана и Центральной Азии. – Т.: Б.И., 2006. – С. 180-184.
2. Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. – Тошкент, Фан, 1974; Саримсоқов Б. Хатна тўйлари фольклори // Ўзбек фольклори очерклари. 1-том. – Тошкент: «Фан», 1988. 190-193-б.
3. Эшонкул Ж. Миф ва бадиий тафаккур. – Тошкент: «Фан”, 2019. 56-б.
4. Қуронбоева Н.Р. Хоразм тўй қўшиқлари: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент: 1998. 11-15-б.
5. Снесарев Г.П. К вопросу о происхождении празднество суннат-той в его среднеазиатском варианте // Занятия и быт народов Средней Азии. – Л., 1971. – С.256-273; Исмаилов Ҳ. Суннат тўйи // Ўзбек тўйлари. – Тошкент, 1992. – Б.39-41; Басилов В.Н. Суннат-той в Ферганском кишлаке // Этнографическое обозрение – М., 1996: – №3. – С.99-112.; Аширов А. Зурриёд синови. // Сирли олам. -Тошкент: 1999. №6. 12-б.
6. Турсунов Н.Н. Этнические особенности населения Южносурханского оазиса (конец XIX – начало XX в.): Автореф. дисс. канд. историч. наук. – Ташкент: 2007. – С.22-23.
7. Ҳамроқулова Б. Сурхондарё вилоятида болалар билан боғлиқ урф-одатлар: Тарих фанлари номз. дисс. – Тошкент: 2001. 107-117-б.
8. Хатна тўйлари фольклори // Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1990, 131-134-б; Давлатов С. Қашқадарё воҳаси ўзбек тўй маросимлари фольклори: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. -Тошкент: 1996. 13-18-б.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада Жанубий Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида нишонланадиган хатна тўйи маросими тизимидан жой олган “ўтин йиғар” ёки “ўтин тўй” ва “нон пиширар” каби удумларнинг қадимийлиги ва тарихий асослари мифологияга бориб тақалиши ҳақида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ. В данной статье расматривается древность и историческая основа таких обрядов, как “сбор дров” или “свадьба дров” и “нон пиширар”, входящих в систему обряда обрезания венчания, отмечаемого среди населения, проживающего на территории Южного Узбекистана.

SUMMARY. This article discusses the antiquity and historical basis of such rites as “collection of firewood” or “wedding of firewood” and “non pishirar”, which are part of the circumcision wedding ritual, celebrated among the population living in the territory of Southern Uzbekistan.

ҚАРАҚАЛПАҚ ХАЛЫҚ ДӘСТАНЛАРЫНДА ПЕРЗЕНТСИЗЛИК МОТИВИНИҢ ГЕЙПАРА ӨЗГЕШЕЛИКЛЕРИ

Р.У.Исаков – *таяныш докторант*

Өзбекстан Илимлер Академиясы Қарақалпақстан бөлими

Қарақалпақ гуманитар илимлер илим изертлеў институты

Таянч сўзлар: Ислом дини, эпос, миф, эртак, мотив, генетика, типология.

Ключевые слова: Исламская религия, эпос, миф, сказка, мотив, генетика, типология.

Key words: Islamic religion, epic, myth, fairy tale, motif, genetics, typology.

Бурыннан қәлиплесип киятырған перзентсизлик мотивлери хәр қыйлы жәмийетлик тәсирлерге ушырап, өзлериниң басларынан бир қатар дәўирлик қатламларды өткерди. Солардан ең тийкарғыларының баслы жолын өткен орталығымыздағы Ислам дининиң тәсирин атап өтиўимиз мүмкин. Ислам дининиң Орта Азия территорияларына таралыў процеслери VIII әсирдиң биринши ярымынан басланады хәм оның эпикалық дөретпелерден орын алыўын тийкар салды. Буның дәлийли ретинде, түслик Сибирьдеги хәм узақ шығыстағы жасаўшы түркий халықларының эпосларында ислам дини менен байланыслы сюжетлер менен эпизодлардың орын алмағанлығын белгилеп өтиўимиз мүмкин. Себеби, бул орынларда жасаўшы халықлар орталығына исламның тәсири болмағанлығынан басқа хеш нәрсе емес. Түслик Алтай хәм Сахалардың (Якутия) эпосларында перзентсиз аталар хаққында түсиниклер оғада аз ушырасады, бирақ кәраматлы туўылыў мотивлери кең орын алған. Түркий тиллес халықлардың дәстанларының басым бөлегинде перзентсиз аталардың ишки күйинишлери, заманласларынан азап көриўи, турмыстан шетлетилиўи эпизодлары өз алдына мотивациялық бирликлерди келтирип шығарады. Усы өзгешеликлер биз жоқарыда атап өткен әййемги перзентсиз аталар хаққында мифлердиң айырым үлгилери Орта Азия халықларының эпикалық дөретпелеринде сақланып қалған деген шешимге келиўимизге имкан жаратып береди. Мәселен, қырғызлардың «Манас» эпосында перзентсиз Жақып: Тукуму жок өтөм деп,

Туяксыз кандай кетем деп,
Жалгыз куу башым бар,
Датым кимге жетем деп,
Күндө-түндө тыным жок
Дүнүйө жыйдым эпеңдеп,
Ажал жетсе бир күнү
Акыретке кетем деп,
Артымда туяк болбосо
Артык дөөлөт нетем деп, [5:23] … зарлайды.

Усы мысаллар жәрдеминде биз түркий тиллес халықлардың эпикалық дөретпелеринде перзентсиз аталар хаққындағы турақласқан мотивлердиң генетикалық хәм типологиялық өзгешеликлерин анықлаўға ерисемиз.